

I. КАСБ ФАОЛИЯТИ СОҲАСИ БЎЙИЧА САВОЛЛАР РЎЙХАТИ

1. “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Фармон бўйича Адлия вазирлигига жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида қандай вазифалар юкланган?
2. 2019 йил январь ойида қабул қилинган жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясининг асосий мақсади вазифаларини айтиб беринг?
3. Ҳуқуқий ахборот нима? Уни тарқатиш усулларини санаб беринг.
4. Туман (шаҳар) адлия бўлимлари қачон ташкил қилинди ҳамда уларнинг асосий вазифаларини айтинг?
5. Адлия вазирлиги ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини юритиш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш соҳасида қандай функцияларни амалга оширади?
6. Қандай ҳужжатлар кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади?
7. Юридик шахснинг ваколатхоналари ва филиаллари тушунчасига таъриф беринг.
8. Гаров тушунчаси ва унинг вужудга келиш асослари?
9. Республика давлат бошқаруви органлари жумласига нималар қирадининг асосий вазифалари ва функцияларига нималар қиради?
10. Акциядорлик жамиятларида Олтин акция тушунчаси?
11. Камерал солиқ текширувнинг тарифи?
12. Ички хўжалик шартномасини нима?
13. Ижарага берилган ер участкалари кредитлар олиш учун гаровга қўйилиши мумкинми?
14. Давлат уй-жой фондига нималар қиради?
15. Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) нима?
16. Маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, қайси ҳолларда қопланади?
17. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) қандай шикоятларни кўриб чиқади?

18. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан қайси ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд тартибида қўлланилади?
19. Товарларни марка белгисиз, шунингдек товарни идишсиз ёки ўралмаган ҳолда етказиб берганлик учун қонунчиликда қандай жавобгарлик мавжуд?
20. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунни бузган мансабдорларга қандай жавобгарлик бор?
21. Адлия вазирлиги давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш соҳасида қандай функцияларни амалга оширади.
22. Юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари.
23. Ҳужжатлар лойиҳаларини «E-qanoq» электрон тизими орқали қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш тартиби қандай?
24. Меҳнат шартномасининг тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилиниши.
25. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш асослари, тартиби ва унинг оқибатлари.
26. Даъво муддати тушунчаси, муддатнинг ўтиши ва тўхтатилиши ҳамда уни қўллаш билан боғлиқ масалалар ҳақида тушунтириб беринг.
27. Мулк ҳуқуқи ва ашёвий ҳуқуқнинг бир-биридан фарқи нимада?
28. Ўзбошимчалик билан иморат қуриш ва унинг оқибатларини тушунтириб беринг.
29. Виндикация нима?
30. Фуқаронинг мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқлари деганда нимани тушунаси?
31. Ногиронлик пенсияси ва ногиронлик нафақасининг бир-биридан фарқи нимада?
32. Қандай ишончномалар нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилади?
33. Солидар ва субсидиар жавобгарлик тушунчалари ва уларнинг ўзаро фарқли хусусиятлари нималардан иборат?
34. Адлия вазирлиги фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича чораларни амалга ошириш соҳасида қандай функцияларни амалга оширади?
35. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш тартиби ҳақида маълумот беринг.

36. Меҳнат шартлари деганда нима тушунилади, қайси ҳолларда иш берувчи меҳнат шартларини ходимнинг розилигисиз ўзгартиришга ҳақли?
37. Кимлар иш қидираётган шахслар сифатида маҳаллий меҳнат органларида рўйхатга олиниши мумкин?
38. Ўзини ўзи банд қилган шахсларга қандай имтиёзлар берилади?
39. Ўзини ўзи банд қилган шахс ҳуқуқий мақомини ёритиб беринг.
40. Кимлар васий ва хомий этиб тайинланмайди?
41. Таълим олиш шакллари ҳақида маълумот беринг.
42. Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари қандай асосларга кўра вужудга келади?
43. Фуқаролик ҳуқуқлари қандай усуллар билан ҳимоя қилинади?
44. Юридик шахс қандай ҳолларда тугатилади?
45. Масъулияти чекланган жамият ва кўшимча масъулиятли жамият деганда қандай жамиятларни тушунаси?
46. Қандай ҳолларда битимлар ҳақиқий эмас ҳисобланади?
47. Хўжалик юритиш ҳуқуқи билан оператив бошқариш ҳуқуқини тушунтириб беринг.
48. Эгасиз ашё деганда нимани тушунаси?
49. Мол-мулкни инсофли эгалловчидан талаб қилиб олиш тартибини тушунтиринг.
50. Гаров тўғрисидаги шартнома, унинг шакли ва шартномани рўйхатдан ўтказишни тушунтириб беринг.
51. Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш муддатларини батафси айтинг
52. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси нима ва у ким томонидан ўтказилади?
53. Ҳуқуқий эксперимент нима?
54. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишга доир талаблар айтинг?
55. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг орқага қайтиш кучи нима ва Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг вақт бўйича амал қилиши тушунчасини ёритинг?
56. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш тартиби?
57. Адлия вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этишга доир ваколатлари

- 58.** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси тушунчасини ёритинг
- 59.** Вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳуқуқий ворислик тушунчасини ёритинг
- 60.** Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш тушунчаси?